Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 116 (3617)
ЧОРШАНБА
24 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Вақтдан ўзиб


«ВЛКСМ XVIII съездига — 18 зарбдор ҳафта» шиори остида баракали меҳнат қилиб, Ленин комсомоли аҳмуманнинг муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олган «Миконд» заводининг М. Абдуллаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси

БУГУН

БЕШ ИЙЛЛИКНИНГ УЧИНЧИ ЙИЛИ СЕНТЯБРЬ ОЙИ ҲИСОБИГА ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРА БОШЛАДИ.

Йил бошидан буён 182 минг 600 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган аҳил коллектив илғор иш усулларидан, янги техника ва технологиядан оқилона фойдаланиб, кўпгина иш жараёнларини механизациялаштириш туфайли бундай муваффақиятларга эришяпти.

Ҳозирги кунда бригаданинг 1979 йил ҳисобига меҳнат қилаётган З. Каттабекова, У. Тошмуҳамедова, М. Игошина каби пешқадам комсомол-ёшлари смена топшириқларини 1,5 баравар адо этишиб, шахсий беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун пухта замин ҳозирламоқдалар.



Мана бу суратда сиз абразив комбинатининг илғор тобловчи-штампаловчиси Ленур Усмоновни кўриб турибсиз. Моҳир ишчи смена топшириқларини мунтазам 130-140 процентга етказиб адо этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН

Тошкентдаги V халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига

Тошкентдаги V халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини сидқидилдан табриклайман.

Тошкент фестивалларининг ўтказилиши яхши ва самарали анъана бўлиб қолди. Ҳаммага маълумки, уч қитъа кино усталарининг учрашувлари дўстлик ва ижодий ҳамкорлик муҳитида ўтмоқда. Бу учрашувлар планетада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқларнинг ижтимоий ва маданий ривожланиши, миллий мустақиллик ва демократия учун кураш вазифаларига мос бўлиб тушмоқда, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги тараққийпарвар санъат арбоблари ўртасидаги, дунёдаги барча мамлакатлар кинематографиячилари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бултур Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини нишонлаган мамлакатимиз барча миллат ва элатларининг чинакам тенглиги йўлини очган ленинча миллий сиёсат принципларига оғишмай амал қилиб келмоқда. Бу принциплар СССРнинг янги Конституциясида қонун тарзида мустаҳкамлаб берилди. Биз миллий зулмга қарши, ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқи учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватлаш позицияларида қаттиқ турибмиз.

Экран санъати ҳозирги замоннинг энг зарур проблемаларини ҳал этишга кўмаклашиши лозим. Бу санъат халқлар ва давлатлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб қолиши мумкин. Шу боисдан ҳам кино усталарининг ўз иши ва ўз сўзи учун масъулияти ғоят буюкдир.

Азиз дўстлар, Совет Узбекистони пойтахтидаги учрашувингиз муваффақиятли ўтишига, юксак ҳаётбахш идеалларни тарғиб этувчи асарлар яратилишига кўмаклашишига чин кўнгилдан тилакдошман. Сизларга улкан ижодий зафарлар ёр бўлсин.

Л. БРЕЖНЕВ.

ЭКРАНДА ЮКСАК ҲАЁТБАХШ ИДЕАЛЛАР ТАНТАНА ҚИЛСИН

Тошкентда V халқаро кинофестиваль очилди

Кино усталари халқаро учрашувининг анъанавий белгиси — кинолентага ўралган Ер курраси яна Тошкент майдонлари ва кўчаларида ҳилпирай бошлади. Совет Узбекистонининг пойтахти ранг-баранг байроқларга бурканган. Бу байроқлар Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари V Тошкент кинофестивалида кимлар қатнашаётганлигидан дарак беради — бу ерда дўстлик ва ҳамкорлик принципларини, шу учрашувларнинг «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиорида ифодаланган идеалларни эъзозловчи тараққийпарвар кино арбоблари тўпланишди.

23 май. Тошкент Санъат саройи... Уч қитъа фестивалининг қатнашчилари, унинг меҳмонлари — Европа ва Шимолий Америка мамлакатларининг кинематографиячилари халқаро жамоат ташкилотларининг арбоблари. Узбекистон пойтахти жамоатчилигининг вакиллари анъанавий киноанжуман очилишига бағишланган тантанада қатнашиш учун бу ерга келдилар.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкентдаги V Халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонлари номига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев табрикномасини йўллаганлиги тўғрисидаги хабарни мажлис аҳли гулдурос қарсаклар билан кутиб олади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов давомли қарсаклар остида табрикномани ўқиб эшиттиради.

Бу галги кинофестивалини ўзига хос юбилей анжумани деса бўлади. Бундан ўн йил мукаддам Осиё ва Африка мамлакатларининг кинематографиячилари муштарак вазифалар ва проблемаларни, кино санъатининг тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашдаги ролини ошириш йўлини муҳокама қилиш учун Тошкентда биринчи марта тўпланган эдилар. Қабул этилган тартибга биноан бу учрашувлар ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган бўлди. Икки йил аввал, илгаригидек анжуманда Осиё ва Африка кино арбобларига Лотин Америкасининг кинематографиячилари расмий катнашчилар сифатида қўшилишди. Тошкент кино кўриклари ўз олдига қўйган мақсадлар ва вазифалардан келиб чиқадиган чинакам демократик характер бу кўриклариниг жозибадорлигини кучайтиришга, Кинода юксак инсонпарварлик идеалларини тараннум этадиган, ўз таланти ва ижодий ғайратини тинчлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтиришга, инсоннинг озодлиги учун, унинг порлоқ келажаги учун курашга бағишлаётган барча арбоблар астойдил хурсандчилик билан кутиб олинади.

Леонид Ильич Брежнев Тошкент кинофестивалининг аҳамиятига юқори баҳо берганлиги Коммунистик партия билан Совет давлатининг халқлар ва давлатлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатликни кучайтириш, тинчликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлган кино санъатини ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлиги ҳамда эътиборининг яккол ифодасидир, деб таъкидлаш ташкилот комитетининг раиси, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева кинофестивални очиб.

Тошкентдаги кинематографиячилар анъанавий анжуманининг шиори ҳозирги давр билан, чуқур революцион жараёнлар даври билан ғоят ҳамоҳангдир. Озодлик, мустақиллик ва ижтимоий тараққиётни қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг жанговар ҳаракати мавж урмоқда. Халқлар қуролланиш пойгасига қарши, нейтрон бомбаси ишлаб чиқаришга қарши курашмоқдалар. Улар тинчлик бўлишини, планетамиз осмони бегубор бўлишини хоҳлайдилар.

Ана шуларнинг ҳаммасини совет халқи, ғоят тушуниб, тўла равишда қўллаб-қувватламоқда. Коммунистик партия билан Совет ҳукумати тинчлик ва кескинликни юмшатиш, турли ижтимоий тузумдаги мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсатини изчиллик билан ўтказмоқдалар. Бутун совет кишилари ва бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини нишонладилар. бу революция эксплуатацияни, қашшоқликни, қолоқлик ва миллий зулмни абадий тугатди, инсоният тарихида тўб бурилиш ясади. барча китъалардаги миллий озодлик ҳаракатини ривожлантиришга кудратли туртки берди. СССРнинг янги Конституцияси, кўп миллатли давлатимиздаги иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституциялари ҳам тинчлик, инсонпарварлик, меҳнат аҳли тўғрисида чуқур гамхўрлик ғоялари билан суғорилган.

Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» эсдаликларида зўр хис-ҳаяжон билан янграган: «Хеч качон уруш бўлмаслиги керак!» деган сўзлари совет кишиларининг энг эзгу орзу-умидларини ифодалайди. Тинчлик учун кураш — ер юзидаги барча кишиларининг, шу жумладан кино санъати арбобларининг ҳам муштарак ишидир. Тошкент кинофестивалининг экрани айни шу позицияларда — тинчликни, илғор ғояларни ҳимоя қилиш халилар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашда ҳужжумкорлик позицияларида туриб иш кўради.

Тошкент кинофестивалларида бутун жаҳон кинематографиясини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ана шу энг оммавий санъатнинг ғоят катта кўриклари бўлган бу фестивалдан тажрибани бахам кўриш замонавий кинони ривожлантиришнинг актуал проблемалари ва йўлларини муҳокама қилиш имконини бермоқда, уч қитъа тараққийпарвар кинематографияси равнак топаётганлигининг объектив манзарасини кўрсатмоқда. Бу ерда мағлублар бўлмайди. кино санъати соҳасида эндигина дастлабки мустақил қадамларни қўяётган ёш ривожланаётган мамлакатлар дунёда кинематография соҳасида азалдан донг чиқарган давлатлар билан теппа-тенг қатнашадилар.

Фестиваль маскани бўлган Тошкент бу галги кино кўригининг расмий катнашчилари — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг намояндаларини, халқаро ташкилотлар — БМТ ЮНЕСКО Фаластин озодлик ташкилоти. Чили ватанпарвар кучлари вакилларини, шунингдек Совет иттифоқдош республикаларининг кинематографиячиларини самимий табриклайди.

Биз залда Тошкент байрамининг азиз ва иззатли меҳмонларини — социалистик мамлакатларнинг вакилларини, Европа ва Шимолий Америка давлатларидан келган тараққийпарвар кино арбобларини, фестивалга келган барча мамлакатлар ва китъаларнинг вакилларини кўриб кувонмоқдамиз.

СССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитетининг раиси Ф. Т. Ермашга сўз берилади.

— КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев табрикномасининг илхомбахш сўзлари бизнинг ҳаммамизда ўчмас таассурот қолдирди — дейди у. — Леонид Ильич Брежневнинг сидқидил табрикномаси, кинофестивалга эътибори кинематографиячиларнинг Тошкентдаги учрашувининг роли ва обрў-эътиборидан далолат беради.

Тошкент фестивали байроғига серқуёш Узбекистон пойтахтидаги учрашувларимизнинг моҳиятини ифодаловчи равшан ва оламшаноб сўзлар ёзиб қўйилган. Бу ерда биз илғор инсонпарвар идеалларнинг тантанаси учун курашаётган санъаткорларнинг ижодлари билан учрашамиз. дунё кинематографияси харитасида янги номлар ва янги мамлакатларни кашф этамиз. ривожланаётган мамлакатлар ёш кинематографиясининг муваффақиятларини кўрамиз. Кино кўрик мезбонлари вужудга келтирган байрамона муҳит, дўстлик ва қардошлик руҳи — «Тошкент руҳи» кинематографиячиларнинг учрашуви учун, ғоялар ва фикрларни ошкора баҳам кўриш, амалий алоқаларни мустаҳкамлаш учун жуда яхши ижодий вазият яратади. Тошкент кинофестивалларида катнашувчи мамлакатлар даврасн тез кенгайиб бораётганлиги бежиз эмас. Дастлабки йилларда бу фестивалларда Осиё ва Африка мамлакатларигина катнашган бўлсалар сўнгра Лотин Америкаси кинематографиячилари ўзларининг ёнига қўшилдилар. Бу сафарги кўрикда Австралия. Янги Зеландия кино арбоблари ҳам катнашмоқдалар.

Ф. Т. Ермаш совет кинематографиясининг барча ҳолимлари. Тошкент фестивалининг қатнашчилари номидан ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий табрикномаси учун. халқаро анжуман қатнашчилари ва меҳмонларига изҳор этган эзгу тилаклари учун унга сидқидилдан миннатдорчилик билдирди.

СССР кинематографиячилар союзи правлениесининг секретари С. А. Герасимов сўзга чиқади.

— Мен ҳозир бу залга ифтихор билан карамокдаман, — деди у. — бу залда карийб юзта мамлакат кинематографиячилари бир-бирларининг кўлларини кисиш, инсоният яратган кудратли санъатда эришилган муваффакиятларини бахам кўриш учун тўпланишган. Тараккийпарвар кино арбоблари бизнинг кишини хайратда колдирадиган асримизни характга келтирувчи улуг ғоялар учун мураффакиятли курашга оладилар ва курашишлари керак. улар тинчлик кишиларнинг хамжихатлиги ва дўстлиги учун, ижтимоий тараккиёт ва бахтёр келажак учун курашга оладилар ва курашишлари керак. Шунинг учун хам мен бу ерда хозир бўлган хамманинг номидан: яшасин Тошкент кинофестивали — илғор тараккийпарвар кинематографиячиларнинг бу энг демократик «нжумани, дейишни хохлайман.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йўлчиси, Ленин ва Октябрь Революцияси орденлари кавалери Н. Маннопов Узбекистон пойтахти меҳнаткашлари номидан кинофестиваль қатнашчиларини табриклади.

— Дўстлик ва қардошлик шаҳри деб ном чиқарган Тошкентимиз уч қитъа кинематографиячилари анъанавий учрашуви ўтказиладйган жой бўлиб колганлиги билан фахрланамиз. — дейди у. — Кинофестиваль катнашчилари муттасил ортиб бораётганлиги, кўрикка бадиий жиҳатдан юксак, марокли фильмлар кўпрок олиб келинаётганлиги бизни қувонтиради. Шу сабабли ҳар бир Тошкент кинофестивали унинг қатнашчилари учун бўлганидек биз, томошабинлар учун ҳам муҳим воқеадир. Сизларга самарали ишлашингизни, тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кино санъатининг олижаноб максадлари йўлида янгидан-янги ижодий муваффақиятларга эришишингизни чин кўнгилдан тилаймиз.

Уч қитъа кинематографиячилари делегацияларининг вакиллари кинофестиваль байроғини кўтарадилар.

Совет Иттифоқи ва Узбекистон ССР Давлат гимнлари тантанали янграйди.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг бешинчи кинофестивали очилди. Уч қитъа кинематографиячилари бой ва рангбаранг фестиваль программасини бажаришга киришдилар.

Тошкент халқаро кино анжумани очилишига бағишланган тантанада Узбекистон Компартияси ва Узбекистон ССР ҳукуматининг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

• *Сўз-фестиваль қатнашчиларига*

АФҒОН ХАЛҚИНИНГ ОТАШИН САЛОМИ

Абдул Ҳаким ХОЛИҚ,

Афғонистон Халқ Демократик Республикаси кино делегациясининг бошлиғи, кино тармоқлари бош директорининг ўринбосари.

Биз яқиндагина жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий воқеани амалга оширган афғон халқининг вакиллари бўламиз. Мамлакатимизнинг узоқ йиллик тарихида энг сўнгги кутилган буюк ўзгариш юз берди. Она диёримизда оддий халқнинг ҳақиқат учун олиб борган кураши матонатли тантана қилди. Афғонистонда чинакам халқчил ҳокимият ўрнатилиб, у Афғонистон Демократик Республикаси деб эълон қилинди.

Биз амалга оширган ана шу шарафли революцияни жаҳонда барча тинчликсевар кишилар қизғин муборақбод этиб қутламоқдалар. Айниқса, Совет Иттифоқи кишиларининг ва ҳукуматининг революциямизга бўлган ҳурмати ва илтифоти биз учун беҳад қувонарлидир.

Биз Тошкентда бошланган халқаро анжуманга жуда катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан етиб келдик. Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати аъзоларининг, афғон халқининг Тошкент фестивалининг барча қатнашчиларига, Узбек халқига ва бутун совет халқига оташин саломини олиб келдик.

Кино санъати намойишга арзигулик фильмларни олиб келолмадик. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Революция ғалаба қилгунга қадар яратилган фильмлар эндиликда биз учун мутлақо керак эмас. Улар ўша ўтмиш синфнинг амалдорларига хуш ёқадиган. уларнинг бойиш манфаатини кўзлайдиган фильмлар эди. Биз бундай картиналарни обрўли анжуманга тақдим этмаганлигимиздан кўнглимиз жойида.

Революция ғалаба қозонган кунинг эртасига афғон кинематографчилари ўзларининг чинакам халқчил ижодий ишларига киришдилар. Янги-янги картиналарни яратиш юзасидан ишлар бошлаб юборилди. Биринчи навбатда халқнинг шодиёсини, янги турмушни қуриш учун бўлаётган барча интилишларини атрофлича ва очиқ-ойдин кўрсатиш ниятидамиз.

Фестивалга келган делегациямизнинг муҳим ва масъулиятли вазифаси бор. Биз бу ерда жуда кўп фильмларни зўр қизиқиш билан кузатамиз. Революцион мавзуларда-ги, адолат учун курашга бағишланган, неча йиллар эзилган ва кўрланган халқни янги ҳаёт қуриш учун ҳақиқий кураш ва меҳнатга рағбатлантира оладиган бадиий ва ҳужжатли картиналарни сотиб оламиз. Улар биз учун жуда ҳам зарур ва керакли. Мақсадимиз амалга ошса. ўзимизни бахтиёр қишилар деб ҳисоблаймиз.

Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати ва халқининг бирдан бир қарори жаҳондаги тинчликсевар мамлакатлар билан айниқса шимолдаги чегарадош қўшниимиз бўлган Совет Иттифоқи билан дўстлик муносабатларимизни ҳар томонлама давом эттириш ва ривожлантиришдир.

ОБРЎЛИ ВА АҲАМИЯТЛИ

Санд АҲМАД,

Бангладеш кино делегациясининг бошлиғи, ахборот ва радио эшиттириш министрлигининг секретари.

Бангладеш кино санъаткорлари Тошкент фестивалининг диққатига «Момо ер» деган бадиий фильмни ва «Шоир Жасимуддин» деган картинани тақдим қилишган. Биринчи картина ёш йигитнинг рассом бўлиш орзуси, унинг бу орзу йўлида чеккан машаққати ва ниҳоят жозибали манзарали асарлар яратганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Унинг асарларида онанинг ўз норасидасига бўлган муҳаббати юксак дид ва маҳорат билан тасвирланади. Санъаткор катта муваффақиятларга эришгани, лекин унинг олдида қатор қийинчиликлар ҳам пайдо бўлади.

Фестивалда қатнашиш Бангладеш санъаткорлари учун муҳимдир. У ўзининг аҳамияти билан бизнинг маданиятимиз тараққий этишида муносиб платформа бўлиб қолади. Фестивалнинг энг яхши фазилатларидан бири шундаки, биз унда фильмларимизни кўрсатибгина қолмай, балки оддий кишилар билан учрашиш шарафига муяссар бўламиз. Ҳамкасбларимизнинг сўзларини тинглаймиз. Ўзаро муносабатларимизни янада кенгайтирамиз.

Ҳозирги пайтда қайси бир санъаткор социалистик реализм билан қизиқаётган бўлса, бунинг учун ана шу кинофестиваль ғоятда аҳамиятлидир.

Тошкент шаҳрида самимий кутиб олинганлигимиздан беҳад ҳурсандмиз. Чунки ўзимизни жуда эркин ҳис қиляпмиз. Ҳамма жойда ҳурмат ва эътибор кўрсатишяпти. Шундай бир муҳит яратилганки, ҳавас қилиб тўймайсан.



— Фильмингиз нима ҳақда ҳикоя қилади?— деб сўрашяпти кинофестиваль томошабинлари бомбейлик кинорежиссёр Тарлок Чан Дивандан.

— Севги ҳақида,— қисқагина жавоб беради режиссёр.— Фильм ҳам «Севгилим» деб аталади.

В. Энкер фотоси.

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ ҒОЯВИЙ ҚУРОЛИ

Киров район партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчиларн ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарларини ҳамда меҳнатнашлар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг услуб ва методларини янада такомиллаштириш бўйича район партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Киров район партия комитетининг биринчи секретари Г. К. Ҳайдарова доклад қилди.

Йиғилишда сўзга чиққан уруш ветеранлари, «Кичик ер»даги жангларнинг қатнашчилари Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат нарх комитети бўлимининг бошлиғи Г. И. Одинцова, Узбекистон ССР Фанлар академияси ботаника боғи директорининг ўринбосари М. Ф. Фастишков, санъатшунослик институти директорининг ўринбосари А. М. Рибник ва бошқалар Леонид Ильичнинг китобларн ғоявий-сиёсий вазифаларни, меҳнат ва аҳолини тарбиялаш вазифаларини ҳал этишда партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг қудратли қуроли бўлиб қолганлигини таъкидладилар. Бу асарлар партиянинг ғоявий ва ташкилотчилик иш тажрибаларн хазинасига қўшилган янги улкан ҳиссадир.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

МАРРАГА ЕТИШДИ

3-уп заводи коллективи савдо тармоқларига ҳар куни 150 тонна ўрнига 155—160 тонна юқори сифатли уп етказиб берятти.

БУГУН

завод меҳнаткашлари маҳсулот реализация қилиш бўйича беш ойлик топшириқ бажарилганлиги ҳақида рапорт беришди. Савдо тармоқларига 3.750 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот жўнатилди. Май ойининг қолган кунларида корхона азаматлари яна камида 250 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш учун интилишяпти.

◆ ФУТБОЛ

САФАРДАГИ ҒАЛАБА

«Пахтакор» командаси навбатдаги турда Бону шаҳрида маҳаллий «Нефтчи» командаси билан учрашди. Ғоят қизиқарли ўтган беллашувда пахтакорчилар яхши ўйин кўрсатишди. Фёдоров ва Бананов мезбонлар дарвозасига никн жавобсиз тўп киритишга муваффақ бўлишди. Бу «Пахтакор»нинг сафардаги дастлабки ғалабасидир.

Мамлакат биринчилигининг навбатдаги турида қуйидаги натижалар қайд қилинди. «Арарат» — «Қайрат»— 1:0, «Динамо» (Тбилиси) — «Шахтёр»— 1:1, «Черноморец» — «Днепр» — 2:0; «Заря» — «Спартак»— 0:0, «Локомотив» —«Зенит»—0:0, МАСК— «Торпедо»—2:1.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устиновнинг тақлифига биноан Ҳиндистон Республикаси мудофаа министри Ж. Рам 22 май куни расмий визит билан Москвага келди.

Ҳиндистон Республикасининг мудофаа министри шу куни Д. Ф. Устинов ҳузурида бўлди. Ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

◆ Ҳар бир давлатнинг шон-шарафи ва ифтихори бўлган меъморчилик, тарих, маданиятнинг бебаҳо ёдгорликларида халқ меҳнати ва дахосининг улуғлиги мужассамлашгандир. Ҳозирги жамият ҳаётида улардан фойдаланиш тажрибаси, бу соҳадаги халқаро ҳамкорлик проблемаларини ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойлар масалалари бўйича халқаро кенгаш (ИКОМОС) V Бош ассамблеяси иштирокчилари муҳокама қиладилар. Москвада 22 май куни тантанали равишда очилган бу учрашувда 60 дан кўпрок мамлакат намояндалари иштирок этмоқдалар.

◆ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДАН ХАТ

КОММУНИСТЛАР НАМУНАСИ

Коммунистлар Суннатилла Абдукаримович ўн кишидан иборат цех халқ назоратчиларига бошчилик қилиш ҳуқуқини бериб юборишмади.

Завод цехларида машиналар учун деталлар тайёрлаш жараёнида қимматли рангли ва қора металл «қипиқлари» дастгоҳлар атрофида сочилиб ётарди. Ҳар ён-атрофдагина йиғиштирилиб олинарди. Кўп ҳолларда улар ташлаб юборилардн. Шу исрофгарчилик кўпдан буён Суннатилланинг ғашига тегиб юрарди. Бу масала ҳақида группа аъзолари билан маслаҳатлашиб олди. Рейд уюштиришди.

Натижа яхши бўлди. Группа аъзоларининг ҳар бир станок ёнига махсус яшиклар қўйиб, металлургиямизнинг нони бўлган металларнинг ҳар бир килограммини тежаб-тергашга катта ҳисса қўшишди.

Суннатилла Абдукаримов бошлиқ халқ назоратчиларининг бу таклифини заводнинг барча цех партия ташкилотлари ва маъмурияти қўллаб-қувватлашди.

КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани янги оширш ҳақидаги Мактубига жавобан завод коллективи қабул қилган социалистик мажбуриятда 14 тонна қора металлни, 0,3 тонна рангли металлни тежаш ҳам ўз ифодасини топган эди.

Коммунист С. Абдукаримов 10-автомобиль ремонти заводида коммунистик меҳнат бригадасига етакчилик қилади. Завод коллективи Иваново шаҳридаги йирик автомобиль ремонти заводи ҳамда Қозогистон ССРнинг Чимкент ва Сайрамдаги 2-автомобиль ремонти заводлари билан мусобақалашиб келишмоқда.

Завод ҳовлисидаги «Ҳурмат тахтаси»да омманинг актив ташкилотчи ва тарбиячилари, ёш ишчиларнинг мураббийлари ҳисобланган коммунистлар — Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди делегати, слесарь Вохид Абдураҳимов, К. Зиёмуҳаммедов, Р. Сулаймонов, С. Абдукаримов, Н. Фомин, Ш. Турсуновлар сингари республикамиз саноат корхоналарининг ўн дарғаси издошлари, бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш учун курашаётганларнинг портретлари қўйилган.

Завод партия комитетининг секретари Ўктам Абдуллаев билан цехларни айланиб чиққанимизда, автобус ремонти цехи ва прицеплар цехларида ускуналардан тўлиқ фойдаланилаётганлиги, ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини оширишга, металлни тежашга катта эътибор берилганлигини кўриб қувондик.

Завод коммунистларининг ташаббуси билан ремонтдан чиққан ҳар бир автомобиль ва автобус шу ернинг ўзида синовдан ўтказиларди. Махсус комиссия акти билан қабул қилиниб кейин эгаларига топширилдиган бўлди. Бу эса ўз навбатида «Маҳсулот сифатига — ишчи кафолати» ташаббусининг амалга ошаётганлигини кўрсатади.

Партия ва ҳукуматимиз Мактубига жавобан завод коллективи ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришмоқда. Масалан, зарбдор йилнинг биринчи кварталида маҳсулот реализация қилиш плани 101.1 процент. товар маҳсулоти ишлаб чиқариш топшириғи 103.1 процент адо этилди.

Корхона цехлари ўртасидаги социалистик мусобақада коммунист Миржалил Мирсодиқов бошчилик қилаётган прицеплар ишлаб чиқариш цехи коллективи пешқадамлик қиляпти. Михаил Холамейзер бошлиқ автобус ремонти цехининг коллективи ҳам голиблар сафида боряпти.

Республикамиз Конституциясини тўлатўкис маъқуллаб кутиб олган автобус ремонти ва прицеп ишлаб чиқариш цехларининг коллективлари ўз зиммаларига олинган социалистик мажбуриятларни қабул қилишди. Цех коммунистлари СССР Конституцияси қабул қилинган кунинг ҳар йиллиги — 7 октябргача беш йилликнинг уч йили планини бажаришга сўз беришди. Шу кунларда ана шу юксак аҳдга яраша иш олиб боришяпти.

Т. НАЖМИЙ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

◆ БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР

ХАЛҚ ИШИГА САДОҚАТ

УСМОН АБДУРАҲМОНОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА



КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ҳақида қилган докладида аёр фахр билан бундай деган эди: «...Биз ўзимизни сақлаб қолдик, биз бардош бердик, биз енгиб чиқдик...

Ўзларининг кучларини, ғайратларини керак бўлганида эса жонларини ҳам аямай Ватанни социал тараққиёт чўққиларига кўтариш эркак ва аёлларга, коммунист ва партиясизларга — барча авлодларга мансуб бўлган совет кишиларига шон ва шарафлар бўлсин!»

Ана шундай оташин революционерлардан бири, партия ва халқимизнинг содиқ фарзанди Усмон Абдурахмоновдир. Республикамиз жамоатчилиги шу кунларда унинг туғилганига 80 йил тўлишини кенг нишонламоқда. Усмон ота Абдурахмоновнинг ҳаёт йўли боқеаларга ниҳоятда бойдир, бу воқеаларда унинг энг яхши ғоявий ва ахлоқий сифатлари ўз аксини топган.

Усмон Абдурахмонов 1898 йил март ойида Наманган районидаги Нўғойқўрғонча қишлоғида дунёга келди. Орадан уч йил ўтгач, Усмоннинг онаси, яна икки йилдан кейин эса отаси вафот этди. Тирикчилик ўтказиш учун қўлланиб қолган бобоси Усмонни дурадгор уста Тожибой Орифбоевга топширади, бола бу ерда ўз кунини ўзи кўриш учун олти йил қийинчилик билан яшайди. Моддий жиҳатдан қийналиб қолган уста энди Усмонни сақлаб туришдан бош тортади. Шундан кейин тақдир Усмонни тикувчи Жалолхон Пўлдошевнинг уйига олиб келади. У бу ерда қорнини тўйғазиш учун беш йил ишлаб юради. Ишдан кейинги бўш вақтларида рус-тузем мактабининг кечки курсида шуғулана бошлайди. Бу курс унинг шундан кейинги тақдирида катта роль ўйнайди.

Усмон Октябрь революциясини Тошкентда кутиб олди. У 1917 йил 22 декабрда берилган ўқитувчилар семинарияси гувоҳномаси билан Наманганга кетиб, у ерда Совет ҳокимияти учун актив кураш олиб борди.

1918 йил 15 май куни Наманган коммунистларининг умумий йиғилишида Усмон Абдурахмонов коммунистлар (большевиклар) партияси сафига қабул қилинди. Унинг қўлида 1919 йил декабрь ойида берилган ва Муъаққат комитет унларга мусулмон коммунистларини қайта рўйхатга олиш вазифасини топширади...»

Усмон Абдурахмонов ўз меҳнати ва содиқлиги билан ўз ташкилотида ишончга ва чинакам обрў-эътиборга сазовор бўлди. Орадан кўп ўтмай уни Наманган Советининг аъзоси қилиб сайлашди. Бу Совет уни Туркистон республикаси Миллий ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги агитация-пропаганда курсларига ўқишга юборди. Бу ерда етти ой таълим олгандан кейин унга комиссарликнинг 1919 йил 7 февралдаги 278-сонли мандати топширилади.

У. Абдурахмонов 1918—1921 йилларда Қизил гвардия отрядларида оддий жангчи, сўнгра сиёсий раҳбар бўлиб ишлайди. У Фарғона фронтида босмачиларга қарши олиб борилган жангларда шахсан актив иштирок этади.

1921 йилда Косонсой районида босмачиларга қарши курашда ижроия бюросининг 1922 йил 12 сентябрдаги қарорига мувофиқ У. Абдурахмонов Ашт районида босмачиларга қарши кураш бўйича фавқулодда комиссиянинг аъзоси қилиб тайинланади. Бу соҳадаги фаолияти Ўзбекистон ССР МИК Президиумининг 1926 йил февралдаги ёрлиги билан тақдирланади.

1923 йилдан бошлаб маъмурий органларга ишга юборилади. у ерда ташкилотчилик таланти айниқса яққол намоён бўлади. У ана шу ишда кадрларнинг революция ишига чексиз садоқати синаб кўрилишини яхши билар эди. Шундан кейин Усмон Абдурахмонов Фарғона область прокурори ёрдамчиси, Фарғона область суди коллегиясининг аъзоси, Андижон округ суди коллегиясининг аъзоси вазифаларини шараф билан ado этади.

1930 йил 3 сентябрда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ У. Абдурахмонов Тошкентда ишлашга ўтказилади ва Ўзбекистон ССР Олий суди аъзоси қилиб сайланади. 1930 — 1935 йилларда у Олий судда муваффақиятли ишлади.

У. Абдурахмонов ўз ҳаёти давомида кўпгина суд ишларини амалга оширди.

Усмон Абдурахмонов ўзининг сиёсий ва профессионал билим доирасини кенгайтириш устида тинимсиз иш олиб боради. Унинг билимга иштиёқи зўр эди. 1935 йил май ойида унинг илтимоси қондирилиб Бутуниттифоқ Ҳуқуқ академиясига ўқишга юборилади. 1937 йилда У. Абдурахмонов Академиянинг суд-прокурорлик факультетини тамомлаб, юрист ихтисосига эга бўлади. Тошкентга қайтгач, у Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг биринчи секретари Акмал Икромов билан суҳбатлашади. Бу суҳбат, афтидан, А. Икромовнинг ташаббуси билан бўлган, у ўртоқ Абдурахмоновнинг ишчанлик фазилатларига юқори баҳо берган. Архивда қуйидаги ҳужжат сақланиб қолган:

...«Ўртоқ Усмон Абдурахмонов Ўзбекистон ССР Олий суди аъзоси қилиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг секретари —Икромов».

У с м о н Абдурахмонов Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси лавозимида зўр ташаббус кўрсатиб ишлади. қатъиятлилик, ишчанлик фазилатларини кўрсатди ва совет судининг демократик асосларини ривожлантиришга ёрдам берди.

1939 йилда У. Абдурахмонов Москвага ишга кетди. У СССР Олий судининг аъзоси лавозимига сайланди. Унинг катта ҳаёт тажрибаси ва ўз устида мунтазам ишлаб бориши энг мураккаб суд ишларини тўғри ҳал қилишда ёрдам берди. Унинг омилкорлиги ва одамларни билиши, ташкилотчилик санъати ва бошқа ишчанлик сифатлари унга ҳақли равишда шон-шуҳрат келтирди. У коммунист-юристнинг, коммунизм иши учун курашувчи-юристнинг энг яхши сифатларини ўзида гавдалантирган эди.

Усмон Абдурахмонов СССР Олий судининг аъзоси бўлиб 20 йил ишлади. У ана шу йилларда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Қозогистондан юборилган кўпгина суд ишларини қараб чиқди ва маслисларга тайёрлади. Ўрта Осиё халқлари тилларини ва араб алифбосини, бу халқларнинг урф-одатлари ва маҳаллий шарт-шароитини яхши билиши унинг ҳар қандай мураккаб масалани, баъзан эса чигал бир ишни объектив ҳаққоний ҳал қилишида ёрдам берарди. Шубҳасизки, бунда унинг фавқулодда комиссия органларида тўплаган бой тажрибаси ёрдам берди. Унинг суд органларидаги ишига юристлар қуйидагича характеристика беришади: «У фидокор инсон, ишни чуқур билади, янгиликни тўкис ҳис қилади. Сиёсий тафаккурининг аниқлиги, принципиаллиги, сезгирлиги, камтарлиги, ўтлқ-атвор ва турмушдаги оддийлиги кишини ҳайратда қолдиради. Кишиларни ишонтира олади, аҳил коллективни ҳеч шошмай ва шов-шув қўтармай йўлга қўя олади. Ўртоқларига юксак талабчанликни ўзига нисбатан тагин ҳам кучли талабчанлик билан уйғунлаштира олади».

Ҳозирги вақтда Усмон Абдурахмонов кексалик пенсия суммасида. Бутуниттифоқ аҳамиятига молик пенсия олади. У ўз оиласи билан Москвада яшаб турибди ва жамоат ишларида иложи борича қатнашиб келмоқда. Шогирдлари тез-тез унинг хонадонига ташриф буюрадилар.

Ушбу сатрларнинг муаллифи Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси Ҳалима Қодировна Муҳиддинова билан суҳбатлашди. Ҳ. Қ. Муҳиддинова Абдурахмоновлар оиласига катта эътибор бериб туради. «Мен тез-тез Усмон Абдурахмановичнинг ҳузурида бўлиб тураман,— дейди у. — Уни Ўзбекистонда Совет судининг дастлабки ташкилотчиларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Бизнинг учрашувларимиз ҳамиша амалий характерга эга бўлади, шунинг учун ҳам менинг ишимга катта фойда келтиради».

СССР Конституцияси мамлакат суд органлари олдига кўпгина янги проблемалар ва вазифалар қўйган, Усмон ота ҳам ўзининг 80 йиллик юбилейи нишонланаётган кунларда мамлакатимизда коммунистик қурилиш ишига садоқат билан хизмат қилаётган совет юристларининг ҳозирги авлоди билан ўз иш тажрибасини жондилдан ўртоқлашади. Биз қадрдон Усмон ота Абдурахмоновга унинг 80 ёшга тўлган кунида самимий қутловлар йўллаймиз ва буюк совет Ватанимиз йўлида қилган фидокорона меҳнати учун унга раҳмат айтамиз!

Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти директорининг ўринбосари, профессор.

Суратда: У. Абдурахмонов.



Любовь Кухтик, Ҳалима Баратова ва Валентина Ни (суратда: чапдан ўнгга) шаҳримиздаги В. И. Ленин номли якка буюртмалар тикиш ишлаб чиқариш бирлашмаси 8-цехининг илғор тикувчиларидан саналишади. Корхона коллективи аҳолидан олаётган буюртмаларнинг ўз вақтида ҳам сифатли қилиб бажаришида бу чеварларнинг муносиб улуши бор. Улар шахсий ўнинчи беш йиллик топшириқларини 3,5—4 йилда адо этиш учун ҳаракат қилишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ «ЖИЛСТРОЙ» ТРЕСТИ БИЛАН 1-ТОШКЕНТ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ ВА 2-ТОШКЕНТ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ, 6-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ БИЛАН «ТАШПРОМСТРОЙ» ТРЕСТИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

ИЛҒОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК

Январь ва апрель ойлари ичида «Жилстрой» трести ва 1-уйсозлик комбинати яхши меҳнат қилди. Бу коллективлар тўрт ойлик беш пудрат ишлари ва ўз кучлари билан ишларни топшириқларини ортиги билан адо этдилар. Меҳнат мувaффақиятларининг қўлга киритилишига бошқармалар, бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақа, ўнлар ташаббуси асосида ишлаётган коллективлар катта ҳисса қўшдилар. «Ташпроссгрой» бошқармасининг Б. Шукуров бошлиқ бригадаси икки йилу тўрт ойда беш йиллик планни бажарди. Ф. Третьяков бошлиқ бригада эса СССР Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигига қадар беш йиллик планни бажариш иштиёқида ишлаяпти. Бригада Биринчи Майни беш йиллик планининг 88 процентини адо этиш, яъни 48,3 минг квадрат метр турар жой биноларининг монтаж ишларини тугаллаш билан кутиб олди.

«Жилстрой» трести да бошланган социалистик мусобақада «Ташпроссгрой» бошқармаси (бошлиғи Г. Кашин) биринчиликни қўлдан бермаяпти. Бошқарманинг Фарғонадаги кўчма механизация колоннаси планини 112,9 процентга адо этди. Трестнинг монтаж, «Ташмостострой», 3-йирик панелли уйсозлик заводи коллективлари ҳам меҳнатда юқори кўрсаткичларни қўлга киритишяпти.

«Жилстрой» трести мактаблар қурилиши планини қарийб икки баробар ошириб адо этди. Лекин уй-жойлар қурш бўйича қолоқлика йўл қўйди.

1-уйсозлик комбинати бош пудрат бўйича иш ҳажмини икки мартага ўстирди.

Лекин уйсозлар бу муваффақиятларни билан ҳувончларига ҳали эрта. Улар фойдаланишга топширaётган биноларнинг сифати паст. Мактабгача болалар муассасаларни қуриш топшириқлари бажарилмаяпти. 1-пардоз ишлари бошқармаси билан 31-қурилиш бошқармаси қолоқлик қилмоқда. Ёрдамчи пудратчилар комбинатда яхши ишлашмади. Масалан «Ташсантехгаз монтаж» трести 159 минг сўмлик, «Узэлектромонтаж» трести 113 минг сўмлик, «Средазтепломонтаж» трести 52 минг сўмлик ишни адо этмади.

Бу йил «Жилстрой» ва 1-уйсозлик комбинатлари билан 2-уйсозлик комбинати ҳам социалистик мусобақа шартномасини тузган. Бу янги ташкил этилган корхона ҳозирча дастлабки қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Масалан ўттиз та бўлинманинг тўрттаси ўз ишлаб чиқариш базасига эга эмас.

* * *

6-қурилиш трести билан «Ташпромстрой» трести ўртасидаги мусобақада 1-трест пешқадамлик қиляпти. Қурилиш-монтаж ишлари планни бажарилди. Маиший хизмат кўрсатиш уйи, полимерлар лабораторияси, «Сувенир», гилам тозалаш фабрикалари яхши баҳода фойдаланишга топширилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлиги 105,5 процентга ўсди.

Лекин бу йилги планга нисбатан меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 97,6 процентга бажарилди.

Трест ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иш ҳажмини камайтириб юборган. Чунки, трестга саноат корхоналари бошқармасининг заводлари маҳсулот ва конструкцияларни жўнатишмаяпти.

«Ташпромстрой» трести меҳнат унумдорлиги топшириғини бажарган бўлса-да, ўз кучлари билан иш бажариш топшириғини 90,9 процентга бажарди. Трест объектларида ёрдамчи пудратчилардан «Средазтепломонтаж», «Узпромвентиляция», «Спецэлеватормельстрой», 93-махсус трест ва тўртинчи ихтисослаштирилган трестлар ёмон ишлашди. Натижада 63-қурилиш-монтаж бошқармаси билан 126-кўчма механизация колоннаси бош пудрат ишлари планини уддалай олмади.

Барча қурилиш трестларида янгийўлликларнинг «Оранжирея

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН

Тошкент-78

◆ СУЗ — ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

МАДАНИЯТЛАРИМИЗ ЯҚИНЛАШУВИ

Жейна ВИДЖИЯ,
Ҳиндистон, киноактриса

Тошкент шаҳри ҳақида кўп эшитганман. Айниқса менинг мамлакатим учун унинг номи ҳурматлидир. Чунки бу ерда Ҳиндистон ва Покистон мамлакатлари тинч ҳаёти учун аҳамиятли тарихий Тошкент декларацияси имзоланган. Бу воқеани ҳар бир Ҳиндистон граждани яхши билади. Шунинг учун ҳам сизнинг шаҳрингизни ўз кўзим билан кўриш, кўчаларида сайр этиш орзусида эдим. Киноактриса бўлганлигим ана шу мақсадимнинг рўёбга чиқиши учун жуда қулай келди.

Фестивалга кўтаринки руҳ, яхши кайфият билан келганмиз. Мақсадимиз фақатгина кинолар кўриш, ижод ва маҳорат ҳақида суҳбатлашиш билан кифояланиб қолмай, балки одамларнинг ҳиссиётини ўрганишдир. Мен Ўзбекистон меҳнаткашларини ўз она диёрининг чинакам ватанпарварлари деб эшитганман. Ана шунга ҳавас қиламан.

Ҳиндистоннинг Пуно шаҳридаги киносанъати институтида ўқиган кезларимда кўпгина совет бадиий фильмларини кўриш, совет артистларининг бой ва кўп қиррали маҳоратини ўрганишга тўғри келди. Шу борада бирдан-бир ягона орзу туғилиб қолди. У ҳам бўлса ҳинд ва совет кино санъаткорлари ҳамкорлигида суратга оладиган фильмларда қатнашиш ниятидир. Агарда бу истагим амалга ошса ўзимни ғоятда бахтиёр деб ҳис қиламан.

Бу фестивалга олиб келган картиналаримиз орасида «Биз бошқалардан кам эмасмиз» деган фильм бор. Ушбу картина режиссёр Носир Ҳусайиннинг бошчилигида суратга олинган. Унда кичик бир эпизодни ижро этганман.

Ҳозирги пайтда ўзбек ва ҳинд кино устаси «Али бобо ва қирқ қароқчи» фильмини суратга олиш юзасидан тайёргарлик ишларини қизғин олиб боришмоқда. Ушбу бўлажак картина шу йилнинг ёзидан бошлаб суратга олинади. У ўзининг яратилиши билан икки диёр — Ўзбекистон ва Ҳиндистон кино санъати тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

СУЗ — ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

МЕҲМОНДЎСТЛИГИ БИЛАН МАШҲУР ШАҲАР

Гессесе ТЕСФАИЕ,
Эфиопия киноделегациясининг бошлиғи, Эфиопия миллий театрининг директори.

Тошкент шаҳрига биринчи марта таклиф этилганлигимдан ўзимни ғоятда мамнунман деб биламан. Бу ерга келишим билан унинг қадимий ва ҳамиша навқирон эканлигини яққол ҳис этаётибман. Мени мамнун этган фазилатлардан бири дўстлик, меҳмонавозлик ҳислатлари бўлди.

Биз Африкада яшасак ҳам бу шаҳарнинг тинчлик учун кўшган ва кўшаётган муносиб ҳиссасини яхши биламиз. Орамиздаги масофалар жуда узоқ. Лекин қалбларимиз жуда яқин. Менинг мамлакатимдаги одий кишиларнинг кўпгина фарзандлари мана шу тарихий шаҳарнинг қатор олий ўқув юртларида таълим олишмоқда. Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари, қишлоқ хўжалиги ва техника олий ўқув юртларида 30 дан ортиқ студентимиз ўқиляпти. Буининг учун катта раҳмат. Улар келгусида ўзларининг юртида мамлакатнинг тараққиёти учун зарур бўладиган муносиб кишилар бўлиб етишишади.

Кинофестивали и н г «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деган шиори ўзининг кенг мазмуни билан ҳар бир тинчлик истовчи кишининг қалбидан фахоли ўрин олади. Бу шиор ўзининг имкониятлари билан бир-бирларимиз билан яқиндан танишиш, билмаганларимизни ўрганиш, янада кўпроқ билим бериш фазилатини беради.

Тошкент кинофестивалига «Халқ милицияси» деган ҳужжатли фильмни олиб келганмиз. Унда халқимизнинг ташқи ва ички душманларига қарши матонатли кураши, мамлакатнинг тараққиёт йўлидан боришида муносиб ҳисса қўшаётганлиги акс эттирилган.



«Тинчлик, соцнал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида республикамиз пойтахти Тошкентда уч ҳитъа кино санъати арбобларининг кинофестивали муваффақиятли ўтмоқда. Юқоридаги суратда таниқли ўзбек кинорежиссёри Латиф Файзиев бир группа совет ва чет эллик киноарбоблари билан тасвирланган.

* * *

Пастдаги суратда эса Яман Халқ Демократик Республикаси кинематографчилари вакилларини кўриб турибсиз. (Чапдан-ўнгга) журналист Шахиб Авад, республика кинолаштириш бош бошқармаси директорининг ўринбосари, делегация раҳбари Абдураҳмон Алнаки ва режиссёр, оператор Маҳамад Алн.

М. Нуриддинов ва В. Эннер фотолари.



Фестиваль экрани

Марьям, Лайли ва бошқалар ҳақида

(ПРОГРЕССИВ ЖАЗОИР ФИЛЬМЛАРИ)

АФРИКА қитъаси кино санъати ўз фаолитини бошлаганига 15 йилдан ошди. Бу пайтга келиб кўп мамлакатлар ўзларининг таниқли кино санъаткорларини етиштирдилар. 1962 йилдан 1972 йилгача бўлган давр мобайнида Жазоир киносининг асосий мавзуси озодлик учун кураш бўлди. Бу давр мобайнида қатор қизиқарли фильмлар яратилди. Улардан баъзиларини Тошкент томошабинлари ҳам кўрдилар. Режиссёр Слим Риаднинг «Йўл» деб номланган фильми ана шундай асар эди.

Халқ озодлиги учун курашни экранда акс эттириш ниҳоятда катта зарурат эди. Лекин баъзи фильмларда ўтмиш ҳаёти бугунги кун ҳақиқатидан айрилган ҳолда, бир томонлама тасвирланарди. Аҳмад Рашединнинг «Наша ва тўқмоқ» фильмида худди шундай ҳолни кўриш мумкин эди. Бу фильм Тошкентда бўлиб ўтган иккинчи халқаро фестивалда намойиш қилинганди. Гарчанд бу асарда халқ оммаси вакиллари— деҳқонлар ва интеллигенциянинг ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши акс эттирилган бўлса-да, асарда кўпроқ ковбойлик руҳи ҳукмрон эди. Бу пайтда эса мамлакатда аграр реформа амалга оширилаётган эди. Бинобарин, кино ана шу энг муҳим воқеани акс эттириши, халққа хизмат қилиши, мамлакат ички ҳаётидаги зиддият ва проблемаларни, рўй бераётган тарихий ҳодисаларни акс эттиришга лозим эди. Ҳаёт талабининг ўзи Жазоир киносини янги оқимга солди. Мамлакат раҳбарлиги кинога коммерция манбаи сифатида эмас, халқ оммасини тарбиялашнинг улкан воситаси сифатида қарайдиган бўлди. Худди шунинг учун ҳам 1964 йили Жазоирда миллий кино институти ташкил этилди. Бу институтда кинематографистларнинг бутун бир отряди етишиб чиқди. Шу билан биргаликда Жазоир фильмотекаси ҳам ташкил қилинди. Шу тариқа ёш мутахассислар совет артистларининг маҳоратини ўрганишга тўғри келди. Шу борада бирдан-бир ягона орзу туғилиб қолди. У ҳам бўлса ҳинд ва совет кино санъаткорлари ҳамкорлигида суратга оладиган фильмларда қатнашиш ниятидир. Агарда бу истагим амалга ошса ўзимни ғоятда бахтиёр деб ҳис қиламан.

Бу фестивалга олиб келган картиналаримиз орасида «Биз бошқалардан кам эмасмиз» деган фильм бор. Ушбу картина режиссёр Носир Ҳусайиннинг бошчилигида суратга олинган. Унда кичик бир эпизодни ижро этганман.

Ҳозирги пайтда ўзбек ва ҳинд кино устаси «Али бобо ва қирқ қароқчи» фильмини суратга олиш юзасидан тайёргарлик ишларини қизғин олиб боришмоқда. Ушбу бўлажак картина шу йилнинг ёзидан бошлаб суратга олинади. У ўзининг яратилиши билан икки диёр — Ўзбекистон ва Ҳиндистон кино санъати тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ў. УМАРБЕКОВ

ШОШМА, ҚУЁШ!

(2 пардали драматик қисса)

БОШ РОЛДА — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотларининг ва Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг лауреати

СОРА ЭШОНТЎРАЕВА.

Саҳнага қўювчи режиссёр — Р. ҲАМИДОВ.
Рассом — У. САЙДАЛИЕВ.

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. ГИНЗБУРГ.

Режиссёр ассистенти — Т. МЎМИНОВ.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ БАЗАСИДАГИ 128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслар составларининг электр ускуналари ва радиоаппаратураларни тузатиш бўйича слесарь-электрик, тортиш подстанцияси диспетчери, саноат ва электр ускуналари бўйича электромонтёр.

Ўқишга ўрта маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Контакт ва кабель тармоқларининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр, тортиш подстанцияларининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр.

Ўрта маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Трамвай вагонларининг ҳайдовчилари, троллейбус ҳайдовчилари.

Ўрта маълумотли 17 ярим ёш ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Енгил юк ва махсус автомашиналар ремонти бўйича автослесарь.

Техника билим юрти программаси бўйича ўқишга қабул қилинганлар ҳар онда 30 сўмдан стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

трамвай вагонлари ва троллейбусларининг электр ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь-электрик, ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслар ремонти бўйича слесарь, кантакт ва кабель тармоғининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтер, металл бўйича токарь, тортиш подстанциясининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр.

8-синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, етоқхона ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процента билан таъминланадилар. Улар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Билим юрти қошида кечки мактаб мавжуд.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар техникум ва институтларга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат гурар жойидан справка, характеристика, таржиман ҳоли, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, билим юрти директори номига ёзилган ариза, медицина кўриги билим юртида ўтказилади.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри — 125, Куйбишев район, Красновосточная кўчаси, 3-«а»-уй (62, 73-автобусларнинг «Красновосточная» депоси», 17, 69, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 18-троллейбуснинг «Високовольтний» массиви» бекатлари). Телефон: 62-34-57.


САМОВАР ЧОЙ

ЯХШИ ДАМЛАНГАН АЧЧИҚ, ХУШБЎЙ ЧОЙ ЧИН МАЪНОДА ЭНГ СЕВИМЛИ ВА ЭНГ ОММАЛАШГАН ИЧИМЛИК ҲИСОБЛАНАДИ.

ЧОЙХЎРЛИК ДИЛКАШ СУҲБАТЛАР, БАФУРЖА СЎЗЛАШУВЛАРГА БОРИБ ТАҚАЛАДИ.

Агарда стол устида самовар қайнаб турган бўлса, у ҳолда чойхўрликдан лаззатланиш икки ҳисса ортади. Оила, дўстлар даврасида, боғга қараган айвон ёки шийпонда самовар чойни тановул этиш беқиёс ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

Агарда сиз самовар сотиб олишга қарор қилган бўлсангиз, истаган хўжалик моллари магазинига марҳамат қилинг.



САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗХОЗТОРГ»НИНГ РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО БАЗАСИДА САМОВАРЛАР ЕТАРЛИ МИҚДОРДА МАВЖУД.

«УЗХОЗТОРГ» республика улгуржи савдо базаси

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

РЕСПУБЛИКА «БИЛИМЛАР УИИ»

10 ИЮНДАН 1 АВГУСТГАЧА

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН

МАШҒУЛОТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

1 ПОТОК — 10 ИЮНДАН 30 ИЮНГАЧА

МАТЕМАТИКА (рус группаси) — **соат 19.00да бошланади;**
ФИЗИКА (ўзбек группаси) — соат 19.00 да:
МАТЕМАТИКА (ўзбек группаси) — **соат 20.30да;**
ФИЗИКА (рус группаси) — **соат 20.30 да;**

II ПОТОК — 1 ИЮЛДАН 30 ИЮЛГАЧА

ЎЗБЕК ГРУППАСИ

МАТЕМАТИКА (катта зал) — соат 8.00 да;
ФИЗИКА (катта зал) — **соат 10.00да;**
АДАБИЁТ (катта зал) — **соат 12.00да;**
СССР ТАРИХИ (кичик зал) — **соат 14.00да;**
ХИМИЯ (кичик зал) — **соат 18.00да.**

РУС ГУППАСИ

МАТЕМАТИКА (катта зал) — **соат 14.00да;**
ФИЗИКА (катта зал) — **соат 16.00да;**
АДАБИЁТ (катта зал) — **соат 18.00да;**
СССР ТАРИХИ (катта зал) — **соат 20.00 да;**
ХИМИЯ (кичик зал) — **соат 20.00да.**

Машғулотлар программаси кириш имтиҳонлари талабига мувофиқ тузилган. Лекцияларни олий ўқув юртларининг малакали ўқитувчилари ўқишади.

I поток машғулотлари учун «Билимлар уйи» кассасидан соат 10.00дан бошлаб билетлар сотиб олиш мумкин.

II поток машғулотлари учун «Билимлар уйи» кассасидан соат 8.00дан бошлаб абонементлар сотиб олиш мумкин.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 24-уй. Телефонлар: 56-77-57, 56-85-58, 56-69-84, 56-86-79.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти баққоллик— кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ, сут маҳсулотлари, газламалар, тикув буюмлари, пойафзаллар, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик молларининг юқори малакали сотувчи-кондитер-кассирларини тайёрлайди.

Ўқиш— 1 сентябрдан бошланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ВА 2 ЙИЛ.

Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 дан 20 ёшгача (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача) **бўлган 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.**

Билим юртини тугатганларга «кичик сотувчи», «сотувчи», «сотувчи-консультант», «сотувчи-контролёр-кассир» деган малака унвони берилади.

Ўқувчиларга 32 сўм стипендия берилади, етим қолган болаларга, ота-она қаровисиз қолган болаларга ва Улуғ Ватан урушининг I, II группа нивалидларининг болаларига 41 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: Бош универмаг ва «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ўтказилади.

Билим юртида ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, таржиман ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 3 дона фотосурат, халқ депутатлари совети шаҳар ижроия комитети савдо бўлимининг йўлланмаси (давлат савдо бўлимининг директсиясидан йўлланма).

Билим юртининг адреси: Тошкент—173, Чилонзор массиви, 6, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чопон ота», 13, 70-автобусларнинг «Медицина тез ёрдам касалхонаси» бекатлари). Телефон —78-44-30.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: ёритиш, ёритгич ва кучланиш тармоқлари ҳамда электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчилар, тақсимот қурилмаларн бўйича электромонтажчилар, радио-телевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва тузатиш бўйича радиомеханиклар, автоматика ва контроль ўлчов асбобларини тузатиш бўйича слесарлар, киномеханиклар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—2 ЙИЛ.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

МАШҒУЛОТЛАР —ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига— 8-синф ҳажмида маълумот билан кирган ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат ва кийим-бош билан; ўрта маълумот билан кирганлар эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчилар иш ҳақининг 33 процентини оладилар. Билим юрти қошида кечки ўрта мактаб ишлайди.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ёритиш, ёритгич ва кучланиш тармоқлари ҳамда электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирганларида ҳар ойда 76 сўмдан стипендия оладилар. Улар учун ўқиш муддати қисқартирилган (ўрта маълумотлилар 7 ярим ой, саккизинчи синф ҳажмида маълумотлилар 10 ярим ой ўқийдилар).

Билим юртини битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ёшлар эса ўрта ва олий ўқув юртларига ўз билимини оширишга юборнладилар.

Билим юртида яхши спорт базаси, ҳар хил техника ижоди тўгаракларн, фототўгарак ҳамда вокаль эстрада ансамбли бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, паспорт медицина справкаси, ҳарбий билет (ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома), турар жойидан справка, 3х4 см, ҳажмида 6 дона фотосурат.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР— ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес. Тошкент шаҳар, Фрунзе райони, «Ивановолик тўқимачилар» кўчаси, 8-уй (33, 34, 18, 45, 54, 58, 66, 70, 80-автобуслар, 7, 9, 11, 14, 21, 24, 28-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 24/V Севги туморн (билетлар сотилган), 25/V да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 24/Vда **Келинлар қўзголони,** 25/V да **Саҳро тор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/V да **Ҳижрон,** 25, 26/V да **Тошкентнинг нозанин малнкаси.**

КИНО

24, 25 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

Таңдир — «ДРУЖБА» (18, 20.40).

Шум бола— «МОСКВА» (жуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Мимино — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Сув ости салтанатининг малнкаси— «ХИВА» (20.30).

республика медицина билим юрти

25 май соат 15.00 дан 19.00 гача

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ ЎТКАЗАДИ

Умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчилари таклиф қилинади.

Ер кавлаш ишларини олиб борадиган қурилиш ташкилотларининг прораблари, участка бошлиқлари, экскаваторларнинг машинистлари, кранчилар

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган юқори вольтли электр кабеллари ер остидан ўтказилган ва улар ишлаб турибди.

Ер кавлаш ишларини олиб бораётганингизда ўзингизнинг территориянгиз, шунингдек унинг атрофидаги уйлар ва майдонларнинг ЭЛЕКТР КАБЕЛЛАРИ ИШДАН ЧИҚИШИ МУМКИН.

Кабелларнинг бузилиши, авариялар, КИШИЛАР БИЛАН БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИ, ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИНГ УЗАТИЛИШИНИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ **ҳолатларини келтириб чиқаради. Натижада саноат корхоналари, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иши тўхтаб қолиши, уй жойлар, касалхоналар, болалар муассасалари ва мактаблар электр қувватисиз қолиши мумкин.**


ҚУРУВЧИ ЎРТОҚЛАР! Ер кавлаш ишларини бошлашингиздан аввал Тошкент шаҳар электр тармоқлари бошқармасининг вакилини иш бошланадиган жойга чақириш ва унинг иштирокида ер кавлаш ишларини олиб боришингиз мумкин.

Тошкент электр тармоқлари бошқармасининг вакилини чақириш учун қуйидаги адресларга мурожаат этингиз:

Куйбишев ва Киров районларининг истеъмолчиларига — Шимолий РЭС — Муса Жалил кўчаси, 73 «а»-уй. Телефонлар — 66-07-81, 66-03-01;

Чилонзор, Фрунзе, Сергели районлари бўйича — Жанубий РЭС-1 — Чилонзор массиви, 3-квартал, 23 «а»-уй. Телефонлар: 91-23-21, 91-08-67;

Собир Раҳимов ва Октябрь районлари бўйича — Ғарбий РЭС— Матлубот проезди, 53-уй, Телефонлар: 46-04-90, 46-05-31, 44-09-40.



ЕР КАВЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ҲАЙДОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Прораблардан қурилиш майдонида электр кабелларининг ўтказилмаганлиги ҳақида белги кўрсатилган махсус рухсатномаларни талаб қилингиз!

Рухсатномаларсиз ва схемаларсиз ер кавлаш ишларини олиб бориш мутлақо ман этилади.

Тегишли районнинг электр тармоқлари вакилисиз ер кавлаш ишларини олиб бориш мутлақо мумкин эмас!

Шахсий кишиларнинг ер кавлаш юзасидан берган буюртмаларини бажарманг. Бу ножўя иш юқори вольтли кабелларнинг узилишига олиб келади ва бу ўзбошимчалик қонун билан жазоланади.

Тошкент электр тармоқлари бошқармасининг вакиллари иштирокисиз ариқлар ва каналларни тозалаш ҳам мутлақо тақиқланади.

Ана шу қоидаларга риоя қилмаслик кабелларнинг узилишига ва кишиларнинг ҳаёти учун жуда ҳавфли бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Тошкент электр тармоқлари бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

127-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Тошкентда яшовчи, 10-синфни тамомлаган йигит ва қизларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ўриклар устки кийими бичиқчиси, аёллар устки кийими бичиқчиси, тикувчилик ишлаб чиқариши контролёри, тикувчилик ишлаб чиқаришининг ремонтчи-слесари.

Ўқиш муддати— 1 йил. Стипендия 30 сўм.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процента тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртида аёлларнинг енгил қўйлакларини тикиш бўйича бичиш-тикиш, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларн, спорт секцияларн ишлаб турибди. Уй-рўзғор хўжалиги асослари ўрганилади.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: паспорт, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, яшаш жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), директор номига ариза, 4 та фотосурат (3х4 см, ҳажмида), мактабдан характеристика.

Машғулотлар— 1 сентябрда бошланади.

Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 60-уй— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясида (2, 9, 18, 19, 21, 26, 51, 60, 72, 81, 47, 63, 89, 24-автобуслар, 2, 16, 3, 22, 23, 25, 28-трамвайларнинг «Олой» бозори бекати).

Тошкент шаҳар, Магазин-мавзук кўчаси, 136-уй— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси филиалининг территорияси (10-экспресс, 43, 88-автобуслар, 27-трамвайнинг «Шимолий Олмазор» бекати).

Тошкент шаҳар, Чехов кўчаси, 5 «а»-уй (2, 3, 25, 60, 80-автобусларнинг «Қизил тонг» бирлашмаси бекати).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

24 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Горичилар қаердасиз?». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қувноқ нотлар». 19.00 «Учинчи йил — заҳдор йил». Кўрсатувда КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари Л. А. Горшков иштирок этади. 19.45 «Эскирган комедия». В. Маяковский номли Москва академик театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — А. Арбузов. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Киев). «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Спортлото» тиражи. 23.45 «Оризонт» вокал-чолғу ансамблининг концерти. 00.05 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Жоназон ўлка». 18.30 «Кўплаб сифатли ва хилма-хил товарлар етказиб берайлик» (рус.). 18.55 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнатга коммунистик муносабат». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Газал оқшоми». Кўрсатувни шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 20.10 «Қалбда баҳор». Телевизион фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V Халқаро Тошкент кинофестивалида». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пиллакорларнинг меҳнат рапортлари». 22.15 «Номаълум актёр ҳақида қисса». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Боболар ери». Бадиий фильм. 20.25 «Бизнинг бош мухбиримиздан» (рус.). 20.55 Тошкент янгиликлари. 21.15 Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 Абитуриентлар учун. Физика.

25 МАЙ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Китоб сенинг ҳаётингда». 10.40 А. Арбузов. «Эскирган комедия». Фильм-спектакль. 15.05 Африка озодлиги кунига. Ҳужжатли фильмлар программаси. «АнголА— МПЛА, халқ ғалаба», «Амилкар Кабрал мамлакатида». 15.50 «Китоб. Давр. Китобхон». 16.20 СССР халқ артисти Б. Штоколов концерти.

17.00 «Рус тили». 17.30 «Ёшлар адреслари». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Техника тараққиёти омиллари». (Халқ хўжалигида металлни тежашнинг резервлари ҳақида). 19.15 «Ҳаммамиз аҳил оиламиз». Музикали программа. Таллиндан олиб кўрсатилади. 19.40 «Мардлик трассаси — ёшлик трассаси». 20.25 «Қадрдонлар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ижодга таклиф». Ҳужжатли фильм. 22.30 СССРда Болгария Халқ Республикаси маданияти кунларининг ёпилиши. «Россия» Марказий концерт залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Ҳужжатли фильм. 00.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Капитан». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 12.00 «Саройдан қочиш». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.30 «Кўргазма залларн бўйлаб». Ўзбекистон ССР халқ рассоми Р. Аҳмедов асарлари кўргазмасида (рус.). 19.00 «Бугун — Африка озодлиги куни». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ўзбек мадоннаси». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 19.40 «Шарқда бир сахий шаҳар бор». Ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V Халқаро Тошкент кинофестивалида». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор». Қишлоқ хўжалик ҳодимлари учун кўрсатув. 22.15 «Оқ кема». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «СССР халқларининг кунлари». Концерт. 20.50 «Ўқитувчи ёкрани». 21.20 «Эльбрус ва Кавбек енгагида». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.40 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси коллективи газета ходими Раҳматулла Файзуллаевга отаси

Нурулла ФАЙЗУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Октябрь район халқ маорифи бўлими, маорифчилар касаба союзи комитети ва район Пионерлар уйи коллективи Пионерлар уйининг тўгарак раҳбари Р. Расуловга отаси

Ҳасанбой РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

24 МАЙ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р—07603. Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми тети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1316.